

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

49-сон  
(1069)  
2022 йил  
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

445. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий ҳадли Битимни (Тошкент, 2022 йил 29 март) ратификация қилиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 5 декабрдаги ЎРҚ-806-сон Қонуни

446. «Измир Шартномасини (Измир, 1996 йил 14 сентябрь) ратификация қилиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 5 декабрдаги ЎРҚ-807-сон Қонуни

447. ««Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариши ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 6 декабрдаги ЎРҚ-808-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

448. «Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 декабрдаги ПҚ-439-сон қарори

### ***Учинчи бўлим***

449. «Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарори
450. «Даволаш-профилактика муассасаларининг илмий даражага эга бўлган ходимларига ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 9 декабрдаги 699-сон қарори

### ***Бешинчи бўлим***

451. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 5 декабрдаги 27-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3098-1*)
452. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 29 ноябрдаги 09/ЮБ-36-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперталарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-5*)
453. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 йил 24 ноябрдаги 22-2022-сон ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 16 ноябрдаги 32-2022/ҚҚ-сон «Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2882-2*)
454. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 61-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3400*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

**445** Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий ҳадли Битимни (Тошкент, 2022 йил 29 март) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
8 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 18 ноября  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий ҳадли Битим (Тошкент, 2022 йил 29 март) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 декабрь,  
ЎРҚ-806-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 6 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОNUНИ

**446 Измир Шартномасини (Измир, 1996 йил 14 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 8 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 18 ноябрда маъқулланган

Измир Шартномаси (Измир, 1996 йил 14 сентябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 декабрь,  
ЎРҚ-807-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 6 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

## **447 «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Конунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
11 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 19 ноябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги ЎРҚ-600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 5-модданинг 13-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13) чет эл тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилганлик учун»;

**2) 11-модда 5-бандининг тўртинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкий суфурта шартномалари бўйича суфурта суммалари, давлат заём облигациялари, иш хақи суммалари, шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пул маблағлари учун»;

**3) 16-модданинг:**

**тўртинчи қисми** «давлат органлари ва ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи қисми** «давлат органлари ва ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**4) илованинг:**

**4-банди:**

**«а» кичик банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

<b>«</b>		
a) кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаганлик учун		
агар кўчмас мол-мулк Тошкент, Нукус шахарларида ва вилоят марказларида жойлашган бўлса	— БХМнинг 1 баравари	
агар кўчмас мол-мулк бошқа аҳоли пунктларида жойлашган бўлса	— БХМнинг 50 фоизи	
<b>Изоҳ.</b> Мулқдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-онасига, болаларига ва уларнинг эрига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, акаукалари ва опа-сингилларига кўчмас мол-мулкни ўтказиш билан боғлиқ шартномалар		

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 декабрда эълон қилинган.

	расмийлаштирилаётганда давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.
--	--

»;

**«Г», «Д» ва «Е» кичик бандлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	г) мол-мулкни ижарага бериш шартномасини тасдиқлаганлик ёки унга ўзгартишлар киритганлик учун мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-онасига, болаларига ва уларнинг эрига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига жисмоний шахслар учун юридик шахслар учун ёки агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса	— БҲМнинг 10 фоизи
	Изоҳ. Мол-мулкни ижарага бериш шартномасини бекор қилганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.	— БҲМнинг 25 фоизи
	д) мол-мулқдан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун, бундан «П» кичик бандда белгиланган холлар мустасно	— БҲМнинг 25 фоизи
	е) гаров, ипотека ва лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун жисмоний шахслар учун: юридик шахслар учун ёки агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса	— БҲМнинг 1 баравари — БҲМнинг 2 баравари
	Изоҳ. Гаров, ипотека ва лизинг шартномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши хақидаги битимлар расмийлаштирилаётганда давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.	— БҲМнинг 50 фоизи

»;

**«З» кичик банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	з) қарз шартномаларини тасдиқлаганлик учун	— БҲМнинг 25 фоизи
	Изоҳ. Қарз шартномасига ўзгартишлар киритганлик ёки уни бекор қилганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.	— БҲМнинг 50 фоизи

»;

**«О» ва «П» кичик бандлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	о) автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи қўйидаги миқдорларда ундирилади	
	автомототранспорт воситалари учун	— БҲМнинг 3 баравари
	битта мототранспорт, мотоаравача, мотоқайиқ учун	— БҲМнинг 25 фоизи
	Изоҳ. Айирбошлаш шартномаси расмийлаштирилаётганда давлат божи фақат бир автомототранспорт воситаси учун ундирилади. Қўйидаги шартномаларни расмийлаштириша: мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-онасига, болаларига ва уларнинг эрига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига автомототранспорт воситаларини ўтказиш шартномалари расмийлаштирилаётганда давлат божи белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади; банк кредитлари хисобига сотиб олинадиган автомототранспорт воситаларининг олди-сотдиси учун давлат божи белгиланган ставканинг 10 фоизи миқдорида ундирилади;	

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномалари расмийлаштирилаётганда давлат божи миқдори шу транспорт воситалари яроқлилигининг қолдик фоизига қараб ўзгартирилади ҳамда унинг миқдори битим тарафларининг хошишига кўра ва нотариуснинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари мутахассислари, бундай муассасалар бўлмаган ҳудудларда эса — «Ўзвотеххизмат» масъулияти чекланган жамияти ташкилотлари томонидан белгиланади.	
п) автомототранспорт воситаларини бошқаришга ва тасарруф қилишга оид ишончномаларни, шунингдек автомототранспорт воситаларидан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун	
мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-онасига, болаларига ва уларнинг эрига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, aka-укалари ва опа-сингилларига, жиянларига	— БҲМнинг 50 фоизи
бошқа шахсларга	— БҲМнинг 2 баравари

»;

**«Ф» КИЧИК БАНДИННИНГ ИЗОҲИ** қўйидаги мазмундаги **ИККИНЧИ ХАТБОШИ** билан тўлдирилсин:

«Қарз шартномасидан келиб чиқадиган пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ижро варақаларини берганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади»;

**18-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	
18. Чет эл фуқаролари иштирокидаги никоҳларнинг тузилганлигини, шунингдек никоҳларнинг бекор қилинганлигини рўйхатдан ўтказганлик учун:	
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл фуқаролари билан никоҳларини, шунингдек чет эл фуқароларининг ўзаро никоҳларини рўйхатдан ўтказганлик учун	— БҲМнинг 2 баравари

».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хўкумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хўкуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 6 декабрь,  
ЎРК-808-сон

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2022 й.*

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

#### **448 Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Республикада ер ости сувларидан фойдаланиш ва қудук бурғилаш тизимини янада такомиллаштириш, ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли орасида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг миқдор жиҳатдан камайиб кетиши ва ифлосланишининг олдини олиш ҳамда пировард натижада аҳолини узоқ муддатли истиқболда сифатли ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида:

1. Ер ости сувларига қудук бурғилаш ва улардан фойдаланиш бўйича мораторий жорий этиладиган, ер ости сувлари сатҳи пасайиб кетаётган худудлар рўйхати 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб:

а) ер ости сувларининг кўп йиллик ўртача сатҳига нисбатан сув сатҳи 5 метрдан ортиқ пасайиб кетган худудларда ерларни сугориш ва ишлаб чиқариш мақсадларига гидрогеологик хулоса бериш, ер ости сувларига қудукларни бурғилаш ҳамда мавжуд қудуқлардан ерларни сув тежовчи технологияларсиз сугориш тақиқланади, бундан тасдиқланган давлат дастурлари доирасида ва жисмоний шахслар томонидан чуқурлиги 25 метргача бўлган қудуқларни бурғилаш ҳамда суткасига 5 метр кубгacha ҳажмдаги ер ости сувларини шахсий эҳтиёжлар учун якка тартибда олиш мустасно;

б) ер ости сувларининг кўп йиллик ўртача сатҳига нисбатан сув сатҳи 5 метргача пасайган худудларда ер ости сувларига қудуқларни бурғилашга гидрогеологик хулоса ва сувдан маҳсус фойдаланишга рухсатнома Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) томонидан:

қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сугориш мақсадлари учун — сув тежовчи технологияларни жорий этиш шартлари билан Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда;

ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун — ҳудудий ривожлантириш дастурлари ва сувдан тежамли фойдаланиш шартларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари билан келишилган ҳолда берилади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 декабрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришда сув тежовчи технологиялардан (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқалар) фойдаланилмаганда бурғи қудуқларидан фойдаланишни тақиқлаш Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан амалга оширилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 апрелдан бошлаб:

ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш учун рухсатнома беришнинг амалдаги тартиби бекор қилинади ҳамда Давлат геология қўмитаси томонидан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда — бурғиловчи субъектлар) ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатнома бериш тартиби жорий этилади;

бурғиловчи субъектларга ўз тасарруфидаги бурғилаш ускуналарини GPS-трекерлар билан жиҳозлаш ва уларни доимо ишчи ҳолатда сақлаш мажбурияти юклатилади;

қонунчиликда назарда тутилган тегишли техник хужжатларга эга бўлмаган бурғилаш ускуналари ёрдамида ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш тақиқланади ва Инспекция томонидан бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда, бурғилаш ускуналарини мусодара қилиш юзасидан судга мурожаат этилади;

ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатноманинг талаб ва шартларини бажармаганлик унинг амал қилишини тўхтатиб туришга, гидрогеологик хуносасиз бурғилаш ишларини олиб бориш эса рухсатномани бекор қилишга асос бўлади;

ер ости сув олиш иншоотларига (бурғи қудуғи, булоқ капитажи) эга бўлган барча ер ости сувларидан фойдаланувчиларга йиллик сув олиш миқдори тўғрисидаги хисоботни белгиланган тартибда Давлат геология қўмитасининг ҳудудий гидрогеология станцияларига топшириш мажбурияти юкланади;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлеклари томонидан шакллантириладиган ер ости сувлари хисобига сув таъминотини яхшилаш бўйича истиқболли дастурлар Давлат геология қўмитаси билан келишилиши шарт.

3. Ер ости сув сатҳи пасайиб кетаётган ҳудудларда сувдан оқилона фойдаланиш ва сув сатҳи камайишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Комплекс чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан масъулият тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига юклансин.

4. Давлат геология қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ер ости сувлари ҳолатининг, уларда бўлаётган ўзгаришларнинг онлайн назоратини ўрнатиш мақсадида:

2023 йил 1 майга қадар Давлат геология қўмитаси таркибидаги «Ўзбек-

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гидрогоеология» ДУК томонидан ер ости сувлари мониторингининг рақамли маълумотлар базаси ва интерактив харитасини тайёрлаш бўйича замонавий ускуналар ва дастурий таъминотлар билан жиҳозланган ситуациян марказ фаолияти йўлга қўйилишини;

яратилган ер ости сувларидан фойдаланувчиларнинг электрон маълумотлар базаси 2023 йил 1 майдан бошлаб Давлат солик қўмитасининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-куvvватлаш вазирлиги мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб фуқаролар йифинлари аъзолари томонидан ўзларига биритирилган худудларда ер ости сувларига қудукларни бурғилаш ҳолатлари бўйича Инспекцияга ёки худудий гидрогоеология станцияларига хабар бериб борилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, ер ости сувларидан фойдаланувчиларга:

2024 йил 1 январга қадар ер ости сувларидан фойдаланишининг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида ўз тасарруфидаги ер ости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан белгиланган тартибда жиҳозлаш мажбурияти юклатилади;

2024 йил 1 январдан бошлаб сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган ер ости сув олиш иншоотларидан фойдаланиш тақиқланади (бундан жисмоний шахсларга шахсий ва хўжалик эҳтиёжлари учун якка тартибда суткасига 5 метр кубгача бўлган микдорда ер ости сувларини олиш мустасно).

7. Давлат солик қўмитаси:

ер ости сувларидан фойдаланувчилар томонидан сув олиш иншоотларида ўрнатилган сувни ҳисобга олиш воситалари пломбаланиши, рўйхатга олиниши ва ишчи ҳолатининг мониторингини таъминлаб борсин;

ер ости сувларидан фойдаланувчилар томонидан сувни ҳисобга олиш воситаларисиз сув олинганида солик тўловини белгиланган солик ставкасининг беш баравари микдорида ундириш чораларини кўрсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат геология қўмитасининг:

худудларда ер ости сувларига қудукларни бурғилаш ва улардан самарали фойдаланиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш мақсадида Инспекция штат жадвалига тизим ташкилотлари бошқарув ходимлари сонини мос равишда қисқартириш ҳисобидан 13 та инспектор лавозимини киритиш;

«Ўзбекгидрогоеология» ДУК таркибига «Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати» давлат муассасасини киритиш орқали республикада ер ости сувлари ҳамда хавфли геологик жараёнларнинг ягона мониторинг тизимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсан.

9. Давлат геология қўмитаси:

а) 2023 йил 1 январга қадар ер ости сувларига қудукларни ноқонуний бурғилаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, хавфли геологик жараёнлар-

нинг олдини олиш бўйича кўрсатма талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни кескин кучайтириш, бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг Инспекцияяга тааллуқлиигини белгилаш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

б) 2023 йил 30 январга қадар ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти ҳамда ер ости сув олиш иншоотларида сувни ҳисобга олиш воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқловчи Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги билан биргаликда ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш билан шуғулланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни аниқлаш мақсадида республикадаги махсус транспорт воситаларининг (ер ости сувларига қудуқлар бурғилаш ускуналарининг) ягона электрон базасини шакллантириб борсин;

г) сув сатҳи пасайиб кетаётган худудларда ер ости сувлари давлат мониторингини кучайтиrsин ҳамда натижаларига кўра ҳар йили 1 апрелга қадар қўйидагилар бўйича асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин:

худудларда белгиланган чеклов чораларини давом эттириш, юмшатиш ёки бекор қилиш;

чекловлар қўлланилган худудлар майдонини ўзгартириш ёки янги худудларни қўшиш;

қўшимча чораларни қўллаш ҳамда мазкур худудларда ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бошқа масалалар.

Бунда, Вазирлар Маҳкамаси киритилган таклифларга мувофиқ, мораторий жорий этилган худудлар майдонига ва тегишли чекловларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш чораларини кўрсин;

д) мораторий жорий этилган худудлар тўғрисидаги йиллик маълумотлар ўзининг расмий веб-сайтида ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа очик манбаларда эълон қилиб борилишини таъминласин;

е) 2023 — 2027 йилларда ҳар йилги минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурлари доирасида сув сатҳи пасайиб кетаётган ҳамда интенсив тарзда эксплуатация қилинаётган ер ости сув конлари ресурсларини тубдан қайта баҳолаш бўйича геология-қидирув ишларини амалга оширсин.

10. Ер ости сувлари бўйича геологик тадқиқотларни олиб бориш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида илғор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида Давлат геология қўмитаси соҳага оид тажрибали консультантлар билан биргаликда:

икки ой муддатда «Ўзбекгидрогеология» ДУКнинг таркиби бўлинмаси сифатида ер ости сувларининг ҳолатини мониторинг қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ахоли ва объектларни рўй бериши мумкин бўлган хавфли

геологик жараёнлардан муҳофаза қилишга қаратилган Давлат геологик мониторинг хизмати фаолиятини йўлга қўйисин;

2023 йилги минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастури лойиҳасида Давлат геологик мониторинг хизматини тубдан модернизация қилиш мақсадида замонавий алоқа, мобил лаборатория, ўлчов-кузатув курилмалари, асбоб-ускуна ҳамда автотранспорт воситалари билан таъминлашни назарда тутсин;

2023 йил 1 апрелга қадар ўз тасарруфидаги гидрогеология корхонасининг бурғилаш ускуналарини GPS-трекерлар билан жиҳозлашни ҳамда уларнинг онлайн режимда мониторингини йўлга қўйисин;

2023 йилдан бошлаб соҳадаги хорижий ташкилотлар билан тизимли равишда тажриба алмашувини ва иқтидорли ёш мутахассисларнинг хорижда малакасини оширишни таъминлаб борсин.

11. Ҳудудларда ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари:

бер ҳафта муддатда мазкур қарорга З-иловадан келиб чиқиб, тегишли ҳудудларда ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича «йўл ҳариталари»ни тасдиқлансин;

Инспекция, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда доимий асосда ер ости сув қудукларини ноқонуний бурғилаш ва сув олиш холатлари устидан назоратни кучайтиурсин ва таъсирчан чоралар кўриб борсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Давлат геология қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари билан биргаликда ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги долзарб масалалар юзасидан тизимли равишда телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрланиши ва эфирга узатилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат геология қўмитаси раисининг ўринбосари А.А. Кадирходжаев, сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.С. Назаров ва Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М.М. Мирзаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул идоралар фаолиятини

\* 3-4-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-нинг Геология, кон-металлургия соҳалари ва саноатни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Б.Ф. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 7 декабрь,  
ПҚ-439-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 7 декабрдаги  
ПҚ-439-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айrim қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартағи «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолияти тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон қарорининг 9-банди, 10-банднинг иккинчи хатбошиси ҳамда қарорга 3 ва 4-иловалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-4461-сон қарорига илованинг 5-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4766-сон қарорига илованинг 2-банди.

## УЧИНЧИ БҮЛІМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

### **449 Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон қарорига мувофиқ:

суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилганлиги;

барча суғурта турлари бўйича суғурта полислари Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда юритадиган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатга олиниши йўлга қўйилганлиги;

суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда сотиш ва расмийлаштириш қоидаларини, шунингдек, уларнинг ҳақиқийлигини текшириш механизмларини ўз ичига олган электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланганлиги;

Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси фаолиятини кенгайтириш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида маълумотлар алмашинуви йўли билан суғурта ташкилотининг ахборот тизимида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида амалга оширилиши;

суғурта шартномасини тузиш учун суғурта ташкилотининг ахборот тизими орқали ариза берилиши ва тегишли маълумотларнинг автоматик тарзда тўлдирилиши;

суғурта шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш асослари ва тартиби;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 6 декабрда эълон қилинган.

ахборот алмашинуви иштирокчилари ўртасида маълумотлар алмашинуви;

суфурта полислари рўйхатга олиниши ва уларнинг айланмаси бўйича мониторинг олиб бориш.

3. Суфурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суфурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2022 йил 31 декабрга қадар барча суфурта полисларини рўйхатга олувчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи ягона ахборот тизими жорий этилишини ва барча суфурта компанияларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин;

2023 йил 1 марта қадар ички ишлар органи ходимларининг иштирокисиз расмийлаштириладиган йўл — транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома онлайн тарзда юборилишини ҳамда кўриб чиқилишини амалга ошириш бўйича ягона мобил иловани ишлаб чиқсан ва ишга туширсин;

2023 йил 1 июлга қадар ягона мобил илова орқали бошқа мажбурий ва ихтиёрий суфурта турлари бўйича суфурта даъволарига оид аризалар онлайн тарзда юборилишини ҳамда кўриб чиқилишини амалиётга жорий этсин.

Бунда белгиланган чора-тадбирлар, шунингдек, мобил илованинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашни молиялаштириш Суфурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Молия вазирлиги ҳузуридаги Суфурта бозорини ривожлантириш агентлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда суфурта хизматлари истеъмолчилари ва суфурта муносабатларининг бошқа иштирокчилари хуқуқлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш, ахолининг суфурта бозорига ишончини оширишга ва жамиятда суфурта маданиятини ривожлантириш бўйича маълумотлар кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказилишини таъминласин;

бир ой муддатда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суфурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги «Call-марказ» хизматини ташкил этсин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суфурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги «Call-марказ» хизмати фаолияти Молия вазирлиги ҳузуридаги Суфурта бозорини ривожлантириш агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 136-бандига мувофиқ қишлоқ хўжалигида суфурталаш тизимини такомиллаштириш,

шу жумладан, «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини сұфурталаш тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 6 октябрдаги ПҚ-387-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва сұфурталашнинг янги механизмлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар илфор халқаро тажрибаларни атрофлича ўрганган ҳолда «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини сұфурталаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 декабрь,  
694-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Электрон турдаги сұфурта хизматларини кўрсатиш тартиби  
тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Электрон турдаги сұфурта хизматларини кўрсатиш ва барча сұфурта полисларини рўйхатга олиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**ахборот алмашинуви иштирокчилари** — сұфурта қилдирувчи, сұфур-

та ташкилоти, Жамғарма ва Ягона ахборот тизими билан интеграциялашган вазирликлар ва идоралар;

**Жамғарма** — Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси;

**суфурта полиси (E-polis)** — Ягона ахборот тизими томонидан реал вакт режимида шакллантирилган серия, рақамига эга бўлган суфурта қилиш амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**суфурта ташкилоти** — тегишли турдаги суфуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суфурта шартномасига мувофиқ суфурта товоши (суфурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

**суфурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси** — суфурта ташкилотининг расмий веб-сайтининг тегишли суфурта учун мўлжалланган қисми ёки унинг мобил иловаси;

**суфурта қилдирувчи** — суфурта ташкилоти билан электрон суфурта шартномасини тузган ва суфурта мукофоти бўйича тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган юридик шахс ёки муомалага лаёқатли жисмоний шахс;

**Ягона ахборот тизими** — манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашган, суфуртанинг барча турларини (класларини) электрон шаклда амалга оширувчи ягона автоматлаштирилган ахборот тизими.

3. Суфуртанинг барча турларини (класларини) электрон шаклда сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш суфурта қилдирувчи ва суфурта ташкилоти ўртасида маълумотлар алмашинуви йўли билан, суфурта ташкилотининг ахборот тизимида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида суфурта шартномасини тузишда, уни Ягона ахборот тизимида рўйхатга олиш ва суфурта полисига ноёб рақам бериш орқали амалга оширилади.

Суфурта ташкилотларининг интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурслари рўйхати Ўзбекистон Ягона суфурта порталида жойлаштирилади.

4. Шахсий маълумотларни қайта ишлашда ахборот алмашинуви иштирокчилари шахсий маълумотлар ва суфурта сири деб таснифланган маълумотларни уларга ноқонуний ёки тасодифий кириш, йўқ қилиш, ўзгартириш, блокировка қилиш, нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатишдан, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўришлари шарт.

5. Суфурта шартномаларини Ягона ахборот тизими орқали расмийлаштириш суфурта ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

Ушбу мажбуриятнинг бажарилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суфурта бозорини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Суфурта бозорини ривожлантириш агентлиги) томонидан амалга оширилади.

6. Суфурта шартномаларини расмийлаштириш, суфурта полисларини

рўйхатга олиш, уларнинг ҳақиқийлигини текшириш ҳамда сұфурта даъволарини кўриб чиқиш ушбу Низомга иловадаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Сұфурта шартномасини расмийлаштириш тартиби**

7. Сұфурта шартномаси Ягона ахборот тизимидан сұфурта қилдирувчига сұфурта полиси шакллантирилганлиги ҳақида хабар бериш ва сұфурта полисини юклаб олиш учун ҳавола юбориш йўли билан тузилади.

8. Сұфурта шартномасининг амал қилиш муддати сұфурта шартномаси ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

9. Агар сұфурта полисида сұфурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, сұфурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган сұфурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

10. Сұфурта қилдирувчи сұфурта ташкилотини эркин танлаш хуқуқига эга.

11. Сұфурта ташкилоти сұфурта қилдирувчига мазкур Низомнинг 28-бандида назарда тутилган мажбуриятларни таъминлаган ҳолда сұфурта шартномасини тузиш имкониятини яратиши зарур.

12. Сұфурта шартномасини тузиш учун сұфурта ташкилотининг ахборот тизимида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида аризани шакллантиришда куйидагилардан фойдаланилади:

а) идентификаторлар:

жисмоний шахслар — жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами; юридик шахслар — солик тўловчининг идентификация рақами;

транспорт воситалари — транспорт воситасининг давлат рақами белгиси ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг серияси ва рақами; кўчмас мулкнинг кадастр рақами;

б) маълумотлар:

жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисида маълумот;

кредит реестридан кўчирма;

ойлик даромади ёки иш ҳақи ҳақида;

гаров реестридан кўчирма;

ижро ҳужжатлари бўйича мавжуд қарздорлик;

ҳайдовчилар томонидан содир этилган йўл ҳаракати қоидабузарлеклари тўғрисида.

Бунда тегишли маълумотлар давлат ахборот базаларида мавжуд бўлганда автоматик тарзда тўлдирилади.

Аризани шакллантириш учун ҳар бир сұфурта тури (класси) бўйича қонунчиликка мувофиқ ушбу бандда назарда тутилган маълумотларга қўшимча равиша тақдим этиладиган маълумотлар тартиби ариза шаклида кўрсатилади.

13. Давлат маълумотлар базаларида сұфурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган маълумотлар ёки давлат маълумотлар базалари билан техник

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уланиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда аризада кўрсатилган маълумотлар Ягона ахборот тизимида суфурта қилдирувчи (суфурталанган шахс) нинг аввал тузилган ва амалдаги суфурта шартномаларидағи маълумотлар билан такқосланади.

14. Суфурта қилдирувчи (суфурталанган шахс) томонидан аввал тузилган ва амалдаги суфурта шартномалари тўғрисидаги маълумотлар Ягона ахборот тизимида ҳамда давлат маълумотлар базаларида мавжуд бўлмагандан, суфурта ташкилоти аризага илова қилинган хужжатларнинг электрон ёки сканер қилинган нусхаларидағи маълумотларни текширади.

Суфурта ташкилоти томонидан юборилган аризадаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги бир иш куни ичидаги текширилади. Агар аризадаги маълумотлар нотўғрилиги аниқланса, маълумотларни қайта тўғриланиши тўғрисида суфурта қилдирувчига хабарнома юборилади. Агар суфурта қилдирувчи томонидан ариза берилган санадан бошлаб 24 соат давомида маълумотлар қайта текширилмаса ва/ёки тўғриланмаса, унда суфурта ташкилоти суфурта шартномасини расмийлаштириш, қўшимча киритиш ва бекор қилиш имконияти йўқлиги тўғрисида суфурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси ёки SMS-хабар орқали суфурта қилдирувчини хабардор қиласи.

15. Аризадаги маълумотлар тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилгач, суфурта ташкилоти ушбу маълумотларни ўзининг ахборот тизими орқали Ягона ахборот тизимида суфурта шартномасини рўйхатга олиш учун юборади. Ягона ахборот тизими суфурта шартномасини рўйхатга олиш ва суфурта полисини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тўлиқлигини текширади ва суфурта ташкилотига суфурта шартномаси рўйхатга олингандиги ва унга берилган ноёб рақами тўғрисида дарҳол хабар юборади.

Суфурта полисида унинг ҳақиқий эканлигини текшириш имконини берувчи QR-код кўрсатилиши лозим.

16. Суфурта ташкилоти суфурта шартномаси Ягона ахборот тизимида рўйхатга олингандиги тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг суфурта қилдирувчига суфурта мукофоти тўловини амалга ошириши мумкинлиги тўғрисида хабар беради.

17. Суфурта қилдирувчи суфурта мукофотини тўлаши мумкинлиги тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг З календарь кун мобайнида суфурта мукофотини нақд пулда ёки нақдсиз тўлайди.

Суфурта мукофоти суфурта шартномасида назарда тутилган тўловдан камроқ микдорда тўланган бўлса, суфурта ташкилоти суфурта мукофотининг тўланмаган қисми суфурта қилдирувчи томонидан З календарь кун муддатда тўланиши зарурлиги тўғрисида дарҳол хабарнома юборади.

Суфурта мукофоти микдори ортиқча тўланган тақдирда, суфурта ташкилоти унинг суфурта қилдирувчига З календарь кун ичидаги қайтарилишини таъминлайди ва тегишли хабарни юборади.

18. Суфурта қилдирувчи томонидан суфурта мукофоти тўлангандан сўнг суфурта қилдирувчига ушбу Низомнинг 26-бандида белгиланган тартибда суфурта полиси берилади.

19. Суфурта қилдирувчи ўзи томонидан суфурта полисини расмийлаштириш учун суфурта ташкилотига тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

### **3-боб. Суфурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тартиби**

20. Суфурта шартномаси амал қиладиган даврда суфурта шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда амалдаги суфурта шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин бекор қилиниши ва янги суфурта шартномаси расмийлаштирилиши шарт.

21. Суфурта шартномасининг амал қилиши қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилинади:

юридик шахс тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда;

суфурта қилдирувчи — жисмоний шахс вафот этганда;

суфурта шартномаси суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда;

суфурта шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда.

Ҳар бир суфурта турининг (класснинг) ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда қонунчиликка мувофиқ ушбу бандда назарда тутилганидан бошқача асослар ҳам белгиланиши мумкин.

22. Суфурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, суфурта мукофотининг бир қисми суфурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтарилади.

23. Суфурта қилдирувчига (унинг қонуний вакилларига, меросхўрларига, хуқуқий ворисларига) суфурта мукофотининг бир қисмини қайтариш суфурта қилдирувчи (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, хуқуқий ворислари) тегишли тартибда мурожаат қилган кундан бошлаб 3 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

Бунда суфурта қилдирувчига қайтарилиши лозим бўлган суфурта мукофотининг бир қисми суфурта қилдирувчининг аризасига мувофиқ янги расмийлаштирилган суфурта полиси бўйича суфурта мукофоти ҳисобига ўтказилиши мумкин.

### **4-боб. Суфурта полисларини рўйхатга олиш ва уларнинг айланмасини назорат қилиш**

24. Суфурта полисининг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, бир йил этиб белгиланади. Ҳар бир суфурта турининг (классларнинг) ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқача муддатлар ҳам белгиланиши мумкин.

25. Суфурта полиси, суфурта шартномада бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, суфурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга киради.

26. Суфурта шартномаси ягона ахборот тизимида рўйхатга олингандан ва суфурта қилдирувчи томонидан суфурта мукофоти тўлангандан сўнг суфурта ташкилоти бу тўғрисида Ягона ахборот тизимига хабар юборади.

Ягона ахборот тизими суфурта шартномасида кўрсатилган маълумотлар асосида суфурта полисининг тегишли серияси, рақамини шакллантиради ва суфурта ташкилотининг ахборот тизимига хабар беради ҳамда ушбу Низомнинг 31-бандида белгиланган тартибда суфурта қилдирувчига хабарномани юборади.

27. Суфурта полисларининг айланмаси Суфурта бозорини ривожлантириш агентлиги Жамғарма билан биргаликда юритадиган Ягона ахборот тизимида рўйхатга олинади ва назорат қилинади.

### **5-боб. Ахборот алмашинуви иштирокчилари ўртасида маълумотлар алмашинуви**

28. Суфурта қилдирувчи ва суфурта ташкилоти ўртасида маълумотлар алмашища суфурта ташкилоти қўйидагиларни таъминлашга мажбур:

суфурта ташкилотининг ахборот тизими, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида суфурта шартномасини тузиш имкониятидан туну кун тўлиқ фойдалана олиш;

мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган суфурта шартномасини тузиш ҳақидаги аризани шакллантириш имкониятини яратиш;

суфурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида оммавий оферта суфурта шартномасини тузиш таклифини, суфурта қоидаларини жойлаштириш;

суфурта шартномасини тузиш тўғрисидаги аризада суфурта қилдирувчи томонидан аризани шакллантириш учун зарур бўлган ҳарфлар, рақамлар ва белгиларнинг минимал ҳамда максимал сони ва форматига мувофиқлигини автоматик тарзда текшириш ва агар аризадаги ёзувлар мос келмаса, номувофиқ жойларни текшириш ва тўғрилаш зарурати тўғрисида хабар бериш;

суфурта қоидаларига мувофиқ суфурта қилдирувчи томонидан аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон ёки сканер қилинган нусхаларини илова қилиш;

суфурта шартномаси тузишда Ягона ахборот тизими билан интеграциялашган вазирликлар ва идоралар ахборот тизимларидан мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган идентификатор орқали олинган маълумотларни аризада автоматик тарзда тўлдириш;

суфурта шартномаси тузишдан тўғрисидаги маълумотни рўйхатдан ўтказиш ва унинг ноёб рақамини олиш учун Ягона ахборот тизимига юбориш;

суфурта қилдирувчи томонидан суфурта мукофоти тўлангандан сўнг суфурта полисининг серия ва рақамини олиш учун ушбу маълумотни Ягона ахборот тизимига юбориш;

Ягона ахборот тизимига йўналтириш орқали суфурта полиси ҳақиқийлигини текшириш имкониятини яратиш;

суфурта мукофоти микдори, шунингдек, қонунчиликда белгиланган

сұғурта мукофоти бўйича тақдим этиладиган сийловни ҳисобга олган ҳолда сұғурта мукофотининг миқдори билан танишириш;

сұғурта қилдирувчи томонидан танланган сұғурта маҳсулоти учун сұғурта шартномалари, шу жумладан, сұғурта суммаси, сұғурта тарифларини ҳисоблашда ишлатиладиган коэффициентлар тўғрисидаги ва сұғурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган сұғурта қоидалари ва оммавий оферта билан сұғурта шартномасини расмийлаштиришдан ва/ёки сұғурта мукофотини тўлашдан олдин танишириш;

сұғурта мукофотини нақд ёки нақдсиз тўлаш, шу жумладан, сұғурта ташкилотининг тўлов реквизитлари, ҳисобварафи, тўлов муддати ва сұғурта полисининг кучга кириши тартиби ва амал қилиш муддати кўрсатилган тўлов ҳисобини ўз ичига олган ҳисоб-фактурани автоматик тарзда расмийлаштириш;

сұғурта мукофоти сұғурта қилдирувчи томонидан тўланмаса, сұғурта ташкилоти сұғурта қилдирувчига сұғурта шартномаси тузилмаганлиги тўғрисида хабар қилинишини таъминлаш;

сұғурта қилдирувчига сұғурта шартномаси тузилганлиги ва сұғурта полисининг серияси ва рақами тўғрисида сұғурта ташкилоти томонидан мазкур Низомнинг 32-бандида назарда тутилган хабар бериш усулини танлаш.

29. Ҳодиса содир бўлганлиги тўғрисида билдиришнома юбориш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш, сұғурта тўловларини амалга ошириш учун жабрланувчи ёки сұғурта қилдирувчи сұғурта шартномасида белгиланган хужжатларнинг электрон ёки сканерланган нусхаларини сұғурта ташкилотига интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали юборишига ҳақли.

30. Агар ҳодиса содир бўлганлигини ва сұғурта қилдирувчи томонидан етказилган зарар миқдорини тасдиқловчи хужжатлар етарли бўлмаса, сұғурта ташкилоти бу тўғрисида ушбу хужжатлар олинган кундан бошлаб уч иш куни ичиде етишмаётган ва (ёки) нотўғри расмийлаштирилган хужжатларнинг тўлиқ рўйхатини кўрсатган ҳолда жабрланувчи ёки сұғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) ёки кўрсатилган телефон рақамига SMS-хабар орқали маълумот юбориши керак.

31. Тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва қабул қилинган санаси тўғрисида электрон маълумотнома ариза берувчига у кўрсатган электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) юборилади ва (ёки) сұғурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсидаги ариза берувчининг шахсий кабинетида кўрсатилади.

## **6-боб. Сұғурта қилдирувчига хабарномани юбориш ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

32. Ягона ахборот тизими томонидан сұғурта қилдирувчига электрон сұғурта шартномаси тузилганлиги, бекор қилинганлиги ёки муддатидан олдин тугатилганлиги, сұғурта полисининг серияси ва рақами, сұғурта полиси бўйича сұғурта тўлови тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома сұғурта қил-

дирувчининг аризада кўрсатилган телефон рақамига SMS-хабар шаклида ва (ёки) электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) электрон хабарнома шаклида юборилади.

Бунда суфурта қилдирувчи хабарнома юборишнинг бир ёки бир нечта усулини танлаш хукуқига эга.

33. Суфурта ташкилотидан суфурта шартномаси тузилганлиги ва суфурта мукофоти тўланганлиги тўғрисида маълумот олгандан сўнг Ягона ахборот тизимидан суфурта қилдирувчининг аризада кўрсатилган телефон рақамига SMS-хабар шаклида ва (ёки) электрон почта манзилига қўйидагиларни ўз ичига олган хабарнома юборилади:

- суфурта ташкилотининг номи;
- суфурта мукофоти миқдори;
- суфурта полисининг амал қилиш муддати;
- суфурта полисининг ноёб рақами;
- суфурта обьекти ва предмети;

Ягона ахборот тизимида суфурта полисининг ҳақиқийлигини текшириш учун ҳавола.

Суфурта қилдирувчи Ягона ахборот тизимининг тегишли қисмига ушбу ҳавола орқали ўтиб, суфурта полисини юклаб олиши мумкин.

34. Суфурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганлиги тўғрисида электрон ёки SMS-хабар шаклида юборилган маълумот қўйидагиларни ўз ичига олади:

- суфурта шартномасининг муддатидан олдин бекор қилинганлиги бўйича матн ва санаси;
- суфурта ташкилотининг номи;
- суфурта полисининг серияси ва рақами;
- суфурта обьекти ва предмети.

35. Суфурта шартномаси бўйича суфурта тўлови тўланганлиги тўғрисидаги электрон ёки SMS-хабар шаклида юборилган маълумот қўйидагиларни ўз ичига олади:

- суфурта ташкилотининг номи;
- суфурта полисининг серияси ва рақами;
- суфурта обьекти ва предмети;
- суфурта тўлови амалга оширилган сана ва суммаси.
- суфурта тўлови тўланганлиги тўғрисидаги тегишли маълумот.

## **7-боб. Суфурта полисининг ҳақиқийлигини текшириш**

36. Суфурта ташкилоти, суфурта қилдирувчи ва суфурта бўйича мажбуриятнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича ваколатли давлат органларининг ахборот тизимларини Ягона ахборот тизими билан интеграциялаш ва (ёки) Ягона ахборот тизимига суфурта полисининг серияси, рақами ва суфурта обьекти идентификаторини киритиш ёки электрон қурилмада махсус кодни ўқиб олиш орқали суфурта полисининг ҳақиқийлигини текшириш амалга оширилади.

### **8-боб. Ягона ахборот тизимида ахборот алмашинувини тўхтатиш асослари**

37. Суфурта ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва (ёки) Ягона ахборот тизими доирасида Жамғарма ва суфурта ташкилоти ўртасида маълумот алмашиш тўғрисидаги ёзма битим бекор қилинган тақдирда:

Жамғарма Ягона ахборот тизими билан суфурта ташкилотининг ахборот тизими ўртасида электрон суфурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган маълумот алмашинувини мутаносиб равишда тўхтатади;

Жамғарма ўзининг расмий веб-сайтида ушбу суфурта ташкилоти билан электрон суфурта шартномаларини тузиш мумкин эмаслиги ва бунинг сабаблари тўғрисидаги маълумотни жойлаштиради ҳамда суфурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси билан ахборот алмашинувини мутаносиб равишда тўхтатади;

Суфурта бозорини ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон ягона суфурта порталига ушбу суфурта ташкилоти билан суфурта шартномасини тузиш мумкин эмаслиги ва суфурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси билан ахборот алмашинуви тўхтатилганлиги (вақтинча тўхтатганлиги) тўғрисидаги маълумотни жойлаштиради ҳамда суфурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси билан ахборот алмашинувини мутаносиб равишда тўхтатади;

суфурта ташкилоти ўзининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида суфурта шартномасини тузиш мумкин эмаслиги ва унинг сабаблари тўғрисидаги маълумотни жойлаштиради ва электрон турдаги суфурта хизматларини кўрсатишни мутаносиб равишда тўхтатади.

38. Электрон турдаги суфурта хизматларини кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида хизмат кўрсатиш имкониятидан фойдаланиш чекланганлиги аниқланганда, мазкур ҳолат Жамғарма томонидан ўрганилиб, хизмат кўрсатиш имконияти тўлиқ тиклангунга қадар суфурта ташкилотининг ахборот тизими ҳамда Жамғарма ягона ахборот тизими ўртасида интеграция тўлиқ ёки қисман тўхтатилади.

### **9-боб. Якунловчи қоидалар**

39. Мажбурий суфуртанинг ҳар қандай турида мажбурий суфурта бўйича тегишли лицензияси мавжуд суфурта ташкилоти томонидан мажбурий суфурта шартномаларини (суфурта полисларини) расмийлаштириш сунъий равишда рад этилиши суфурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш ҳисобланади.

40. Суфурта қилдирувчи томонидан электрон турдаги суфурта хизматларидан фойдаланиш орқали расмийлаштирилган суфурта шартномалари (суфурта полислари) бўйича суфурта ташкилотлари томонидан воситачилик тақдирлаш тўловларини тўлаш тақиқланади.

41. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматнинг айрим қарорлариға  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 24 июнданги 141-сон қарорида:

а) 1-иловада:

1-банддаги «тўловларни кафолатлаш мақсадида» сўzlари «тўловларни кафолатлаш ҳамда барча суфурта турлари бўйича Ягона ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш мақсадида» сўzlари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«барча мажбурий ва ихтиёрий суфурта, шу жумладан, ушбу суфурта турлари бўйича суфурта қилиш шартномалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган, суфурта ҳодисалари тўғрисидаги Ягона ахборот тизимини, суфурта қилдирувчилар ва жабрланганлар тўғрисидаги шахсий маълумотларни шакллантириш, суфурта сирлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни таъминлаган ҳолда ваколатли давлат органлари ва суфурталовчилар билан Жамғарма ўртасида кўрсатиб ўтилган маълумотларни айирбошлишни ташкил этиш;»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Е-полислар, суфурта ҳодисалари, суфурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар тўғрисидаги шахсий маълумотлардан иборат бўлган, Е-полисни сотиш ва расмийлаштириш бўйича ҳамда барча суфурта турлари бўйича Ягона ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш, барча мажбурий ва ихтиёрий суфурта турлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича ваколатли давлат органлари билан маълумотлар алмашинувини ташкил этиш»;

6-бандда:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи — саккизинчи хатбошилар қўшилсин:

«тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамда суфурталовчилар ўртасида барча мажбурий ва ихтиёрий суфурта турларига оид маълумотлар алмашувини таъминлашни мувофиқлаштиради;

барча мажбурий ва ихтиёрий суфурта турларини амалга ошириш ва суфурта ҳодисаларини ҳал этиш билан боғлиқ интерактив хизматларни кўрсатади ҳамда ахборот тизимларини яратади;

электрон турдаги суфурта хизматларини кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида хизмат кўрсатиш имкониятидан фойдаланишнинг чекланган ҳолати аниқланганда, мазкур ҳолат Жамғарма томонидан ўрганилиб, хизмат кўрсатиш имконияти тўлиқ тиклангунга қадар Суфурта ташкилотининг ахборот тизими ҳамда Жамғарма ягона ахборот тизими ўртасида интеграция тўлиқ ёки қисман тўхтатилади.

барча мажбурий ва ихтиёрий суурата турлари бўйича суурата статистикасини шакллантиради;

барча мажбурий ва ихтиёрий суурата турлари бўйича ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширади, шу жумладан, буюртма асосида тўлов эвазига»;

тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

ўнинчи ва ўн учинчи хатбошилардаги «мажбурий суурата қилиш» сўзлари «барча мажбурий ва ихтиёрий суурата турлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

7-бандда:

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсан:

«барча мажбурий ва ихтиёрий суурата турлари бўйича ахборот-таҳлил фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, буюртма асосида тўлов эвазига»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

8-банднинг бешинчи хатбошисидаги «мажбурий суурата қилиш» сўзлари «барча мажбурий ва ихтиёрий суурата турлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

9-банд қуийидаги таҳрирда баён этилсан:

«9. Жамғарманинг мол-мулки:

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суурата қилиш фаолияти билан шуғулланувчи суурталовчиларнинг бир йўла ва календарь тўланадиган бадаллари;

Ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ва ушбу тизим доирасида ўзаро ахборот алмашишни ташкил қилиш учун бир йўла тўланадиган ҳамда тизмининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашни молиялаштириш бўйича даврий тўловлар;

Жамғарма томонидан жабрланувчига етказилган зарап учун жавобгар шахсларга нисбатан регресс ва суброгация хуқуқини амалга оширишдан тушган маблағлар;

Жамғарманинг пул маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

буюртма асосида тўлов эвазига барча мажбурий ва ихтиёрий суурата турлари бўйича ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шаклланади»;

10-банд қуийидаги таҳрирда баён этилсан:

«10. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суурата қилиш фаолияти билан шуғулланувчи суурталовчиларнинг Жамғармага бир йўла тўланадиган бадали Жамғармага бадал киритиш кунида суурталовчи устав фондининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фойизини ташкил этади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбу-

рий суфурта қилиш фаолияти билан шуғулланувчи суфурталовчиларнинг Жамғармага тўланадиган календарь бадаллари суфурталовчилар томонидан йилнинг ҳар чорагида Жамғармага ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади. Календарь бадал миқдори суфурталовчи билан тузилган мажбурий суфурта шартномалари бўйича умумий суфурта суммаси ҳисобот чорагида ўсиши ҳажмидан келиб чиқиб маҳсус ваколатли давлат органи билан келишув бўйича Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Тўланган календарь бадаллар суммаси Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланган миқдорга етганда суфурталовчилар томонидан календарь бадаллар тўлаш маҳсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда мажбурий суфурта шартномалари бўйича умумий суфурта суммасидан келиб чиқиб тўхтатиб турилади. Мажбурий суфурта шартномалари бўйича жами суфурта суммаси ўзгарган тақдирда, суфурталовчи томонидан Жамғармага тўланган календарь бадаллар суммаси қайта ҳисобланади»;

11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Суфурталовчининг Жамғармага Ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ва ушбу тизим доирасида ўзаро ахборот алмашишни ташкил қилиш учун тўланадиган бир йўла бадали Жамғармага бадал киритиш кунида суфурталовчи устав фондининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

Бунда мазкур бадал Жамғарма билан унга аъзолик тўғрисидаги ёзма битим тузган суфурталовчилар томонидан амалга оширилмайди.

Суфурталовчининг Ягона ахборот тизимининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашни молиялаштириш бўйича Жамғармага даврий тўловлари суфурталовчилар томонидан йилнинг ҳар чорагида Жамғармага ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади.

Даврий тўлов миқдори маҳсус ваколатли давлат органи билан келишув бўйича Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.»;

24 ва 25-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Суфурталовчи томонидан Жамғарма ва суфурталовчи ўртасида тузилган битимларда назарда тутилган Жамғарма олдидаги мажбуриятлар мунтазам равища (ҳисобот даврида икки ва ундан кўп маротаба) бажарилмаган тақдирда, шу жумладан, Жамғарманинг бу ҳақидаги маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этган маълумотига асосан:

маҳсус ваколатли давлат органи томонидан ушбу суфурталовчи мажбуриятлар бажарилиши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилади;

суфурталовчи огоҳлантириш сабабларини бартараф этмаган тақдирда, маҳсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига асосан Жамғарма томонидан суфурталовчининг Ягона ахборот тизими билан ахборот алмашинуви тўхтатилади;

маҳсус ваколатли давлат органи томонидан Ягона ахборот тизими билан ахборот алмашинуви тўхтатилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида хабар берилган тақдирда, ахборот алмашинуви қайта тикланади;

Жамғарманинг кузатув кенгаши маҳсус ваколатли давлат органи билан

келишган холда сұфурталовчи ва Жамғарма ўртасыда тузилған битимни бекор қилиш түғрисида қарор қабул қилиши мүмкін.

25. Сұфурта қилиш бүйіча фаолиятнинг ихтиёрий тұхтатилиши муносабати билан Жамғарма билан тузилған битимлар ихтиёрий бекор қилинганды, шунингдек, Жамғарма олдиғаги мажбуриятлар бажармаганлығы учун сұфурталовчи билан тузилған битимлар бекор қилингандықтан көбінесе, сұфурталовчи сұфурта қилиш бүйіча илгари тузилған ёзма битимлар бүйіча ўз мажбуриятларини бажариши шарт»;

б) 2-илова\* қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

в) 3-илованинг матни\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 645-сон қарори билан тасдиқланған Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимиға ахборот технологияларини жорий этиш бүйіча чора-тадбирлар дастури 50-позициясининг амалга ошириш босқичларидаги 2-бандни амалга ошириш муддатидаги «2022 йил» сўзлари «2023 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланған Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби түғрисида ягона низомга 6-иловада:

а) 5-бандда:

«б» кичик бандга қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«суфурталовчининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш бүйіча тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан Ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ва ушбу тизим доирасида ўзаро ахборот алмашиш түғрисида ёзма битимнинг мавжуд бўлиши — мажбурий ва ихтиёрий суфурта фаолияти билан шуғулланувчи суфурталовчилар учун (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилувчи суфурталовчилар бундан мустасно);»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 9-бандда:

қўйидаги мазмундаги олтинчи-еттинчи хатбошилар қўшилсин:

«е) суфурталовчининг Суфурта полиси маълумотларини юритиш маркази билан Ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ва ушбу тизим доирасида ўзаро ахборот алмашиш түғрисидаги ёзма битимнинг мавжудлиги.»;

ж) Электрон турдаги суфурта хизматларини кўрсатиш тартиби түғрисидаги низом талабларига асосан электрон суфурта хизматлари кўрсатилишини таъминлаш»;

олтинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 14 декабрдаги 780-сон қарорининг 4-банди, шунингдек, қарорга илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 958-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ  
ҚАРОРИ**

**450 Даволаш-профилактика муассасаларининг илмий даражага эга бўлган ходимларига ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-кувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 17 майдаги ПФ-136-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат тиббиёт муассасаларида илмий даражага эга бўлган тиббиёт ходимларининг фаолиятини муносиб рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-кувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 17 майдаги ПФ-136-сон Фармонининг 4-бандига мувофиқ 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб даволаш-профилактика муассасаларининг ходимларига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси учун лавозим маошининг 60 фоизигача ва фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун лавозим маошининг 30 фоизигача миқдорда ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўланиши белгиланганини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Даволаш-профилактика муассасаларининг илмий даражага эга бўлган ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

қўшимча ҳақ тўлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати;

даволаш-профилактика муассасаларида қўшимча ҳақ тўлаш мезонлари ва миқдорлари;

қўшимча ҳақ тўлаш мезонлари бўйича ходимнинг кўрсаткичларини хиоблаш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган даволаш-профилактика муассасалари ходимларига ушбу қарорга мувофиқ қўшимча ҳақ белгиланиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига ҳамда Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 9 декабрь,  
699-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 9 декабрдаги 699-сон қарорига  
ИЛОВА

**Даволаш-профилактика муассасаларининг илмий  
даражага эга бўлган ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат даволаш-профилактика муассасаларида (кейинги ўринларда — муассасалар) тиббиёт соҳасида илмни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшаётган илмий даражага эга бўлган тиббиёт ходимларига ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларининг Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарори билан тасдиқланган Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ қўшимча ҳақ оладиган тиббиёт ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Муассасаларнинг фан доктори (Doctor of Science), фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлган ходимларига асосий иш жойи бўйича ушбу Низомга мувофиқ ҳар ойлик қўшимча ҳақ белгиланади.

4. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**лавозим маоши** — ўйлнинг календарь ойи учун муайян мураккабликдаги меҳнат (лавозим) вазифаларини бажариш учун ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган миқдори (компенсация, рафбатлантириш ва ижтимоий тўловлар, нафақалар ва бошқа қўшимча тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда);

**қўшимча ҳақ** — амалга оширилган муайян иш бўйича натижага эришилганлиги учун ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўлов;

**ходим** — муассасалarda тиббиёт соҳасида илмни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшаётган илмий даражага эга бўлган тиббиёт ходимлари.

5. Ходимга қўшимча ҳақ унинг жорий йил (календарь йил) мобайнидаги фаолияти натижалари таҳлилига асосан келгуси йил учун белгиланади.

6. Қўшимча ҳақ миқдори ходимнинг эгаллаб турган лавозимига мутаносиб равишда, бироқ бир ставкадан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳар ойда ҳисобланадиган лавозим маошига нисбатан белгиланади.

7. Ходим бир нечта муассасада қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаси асосида фаолият юритаётган бўлса, у асосий иш жойи бўйича қўшимча ҳақ олиш хуқуқига эга бўлади.

## 2-боб. Ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби

8. Ходимларнинг лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча ҳақ ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ тўланади.

9. Қўшимча ҳақ ушбу Низомга 2-иловада\* кўрсатилган мезонларга мувофиқ эришилган фаолият натижаларига асосан тўланади.

10. Ходим муассаса раҳбарига ҳар йили 15 декабрга қадар келгуси йилда қўшимча ҳақ олиш учун ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган хужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади.

11. Муассаса раҳбари тақдим этилган хужжатларни ўн кун ичидаги кўриб чиқиб, ходимга келгуси йил учун ойлик лавозим маошига қўшимча ҳақ миқдорини (фоизда) кўрсатган ҳолда буйруқ чиқараради.

Зарур ҳолларда муассаса раҳбари аризани ўрганиб чиқиш жараёнига тегишли мутахассисларни жалб этиши мумкин.

12. Илмий даражага эга бўлган муассаса раҳбари учун қўшимча ҳақ тўлаш тегишли юкори турувчи ташкилот раҳбарининг буйруғига асосан амалга оширилади.

13. Муассаса раҳбарининг буйруғи ходимнинг лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлаш учун асос ҳисобланади.

14. Қўшимча ҳақ тўлашда ходим томонидан жорий йил 1 январдан бошлаб ариза берилган кунга қадар эришилган натижалар бир календарь йил учун бир марта ҳисобга олинади.

Кўйидаги мезонлар бўйича эришилган натижалар ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлашда ҳар йили инобатга олинади:

илмий даражага эга бўлганлиги;

илмий даражадан олгандан кейинги даврда янги даволаш усуллари стандартларини жорий этганлиги;

ҳар бир ихтиро ва (ёки) фойдали моделга хорижий ва маҳаллий патент олганлиги.

15. Қўшимча ҳақ миқдори бир ойда — фан номзоди ёки фалсафа доктори илмий даражасига эга ходимлар учун лавозим маошининг 30 фоизидан ҳамда фан доктори илмий даражасига эга ходимлар учун лавозим маошининг 60 фоизидан ошмаслиги керак. Бунда белгиланган мезонлар бўйича ходимнинг эришган кўрсаткичлари унинг илмий даражасига мувофиқ 30 ёки 60 фоиздан ошган тақдирда, қўшимча ҳақ тегишлича 30 ёки 60 фоиз миқдорида ҳисобланади.

16. Ходимнинг ариза берилгандан сўнг ариза берилган йил якунига қадар эришган ва инобатга олинмаган натижалари кейинги йилда қўшимча ҳақ олиш учун мурожаат қилинганда ҳисобга олинади.

17. Ҳар ойлик қўшимча ҳақ бўйича тўловлар тиббиёт ходими тегишли илмий даражага эга бўлган йил якуни билан келгуси йилдан бошлаб ҳисобга олинади. Бунда ходим илмий даражадан олган йилда амалга оширган барча ишлари ва эришган натижалари кейинги йил учун қўшимча ҳақ тўлашда инобатга олинади.

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

**3-боб. Қўшимча ҳақ маблағларини режалаштириш ва  
молиялаштириш**

18. Ташкилот томонидан қўшимча ҳақ белгилаш учун бюджет маблағлари ҳажмини режалаштириш муассаса раҳбарининг буйруғи билан белгиланган илмий даражали ходимлар сонини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

19. Ходимларга қўшимча ҳақни белгилаш билан боғлиқ харажатлар штат жадвалида алоҳида акс эттирилади ва ташкилотнинг харажатлар сметасида назарда тутилади.

20. Муассасаларда ушбу харажатларни режалаштириш ва тўлаш бўйича буйруқнинг белгиланган муддатдан кеч қабул қилиниши ходим олиши лозим бўлган қўшимча ҳақни йил бошидан бошлаб йил якунига қадар тўламаслик учун асос бўлмайди.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

21. Ушбу Низом бўйича ажратиладиган бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши, қўшимча ҳақ микдорининг асосланганлиги, тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ўз вақтида тўланиши бўйича жавобгарлик муассаса раҳбари зиммасига юклатилади.

22. Ходимлар муассаса раҳбарининг харакатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юкори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

23. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**451** «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи ор-  
ганлар томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш қо-  
идаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартиришлар кири-  
тиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3098-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сен-  
тябрдаги 540-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартиблари-  
ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига муво-  
фик **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 13 декабрда-  
ги 554-мҳ-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар  
томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақи-  
да»ги буйруфига (рўйхат рақами 3098, 2018 йил 13 декабрь) (Қонун хуж-  
жатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2018 й., 09/18/3098/2315-сон)  
иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 декабрь,  
27-мҳ-сон

*Келишиилди:*

*Tashqi iishlar vaziri*

**B. НОРОВ**

2022 йил 28 ноябрь

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2022 йил 5 декабрдаги  
27-мх-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи  
органлар томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш  
қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруққа  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Бўйруқнинг номи ва 1-бандидаги «қайд этувчи органлар» деган сўзлар «ёзиш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

1) номидаги «қайд этувчи органлар» деган сўзлар «ёзиш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (бундан буён матнда ФХДЁ органлари деб юритилади) томонидан гербли гувоҳномалар бланкаларини (бундан буён матнда гербли гувоҳномалар деб юритилади) тўлдириш тартибини белгилайди.»;

3) 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Туғилганлик ҳақида гербли гувоҳномада шахснинг туғилган санаси рақамлар ва сўзлар билан ёзилади.

Ниҳоҳ тузилганлиги ва ниҳоҳдан ажралганлик ҳақидаги гербли гувоҳномаларда ниҳоҳ қайд этилган ҳамда ниҳоҳ бекор қилинган йил ва кун рақамлар билан, ой эса ҳарфлар билан ёзилади.»;

4) 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномада шахс вафот этган йил ва кун рақамлар билан, ой эса ҳарфлар билан ёзилади. Агар ўлим содир бўлган кун ҳақида аниқ маълумот бўлмаса, гувоҳномада факат аниқ бўлган маълумот ёзилади, аниқ бўлмаган маълумот ўрнига чизик чизилади (масалан, 2018 йил - октябрь).»;

5) 14-банддан «қўлда,» деган сўз чиқариб ташлансин;

6) 16-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ФХДЁ органи номи ўзгарган тақдирда гербли гувоҳноманинг «Guvohnoma bergan organ» устунида ФХДЁ органининг такорий гувоҳнома берилаётган вақтдаги номи.»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**452** «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперталарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида<sup>\*</sup>

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 29 сентябрдаги 550-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперталар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади**:

1. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Б. ФУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 29 ноябрь,  
09/ЮБ-36-сон

*Келишилди:*

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазiri*

*H. ХУСАНОВ*

2022 йил 3 ноябрь

*Фавқулодда  
вазиятлар вазiri*

*A. КУЛДАШЕВ*

2022 йил 10 ноябрь

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2022 йил 12 декабрда эълон қилинган.

*Курилиш вазири**Б. ЗАКИРОВ*

2022 йил 8 ноябрь

*Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг раиси**Б. ИСЛОМОВ*

2022 йил 29 ноябрь

*Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси**Ш. ШАРАХМЕТОВ*

2022 йил 7 ноябрь

*Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги  
Бош директори**Д. САТТАРОВ*

2022 йил 28 ноябрь

*Ўзбекистон касаба ўюшмалари  
Федерацияси раиси**К. РАФИКОВ*

2022 йил 3 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси  
 Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг  
 2022 йил 29 ноябрдаги  
 09/ЮБ-36-сон карорига  
 ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-хукуқий ҳужжатлар  
РҮЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2009 йил 29 сентябрдаги 184-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперталарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2045, 2009 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 513-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси

бошлигининг 2010 йил 6 декабрдаги 343-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперталарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тӯғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2045-1, 2011 йил 5 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 11-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2014 йил 5 августдаги 104-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперталарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тӯғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» буйруфи (рўйхат рақами 2045-2, 2014 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 33-сон, 425-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 28 декабрдаги 09/ЮБ-51-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперталарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тӯғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тӯғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2045-3, 2020 йил 5 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.02.2020 й., 10/20/2045-3/0131-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 30 июндаги 09/ЮБ-26-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперталарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тӯғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2045-4, 2022 йил 13 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.07.2022 й., 10/22/2045-4/0635-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА  
 МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**453** Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2882-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон «Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2017 йил 7 апрелдаги 22/ҚҚ ва 8-Қ/Қ-сон қарори (рўйхат рақами 2882, 2017 йил 10 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 350-модда) билан тасдиқланган Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

**А. ТОШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
 2022 йил 24 ноябрь,  
 22-2022-сон

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
 2022 йил 16 ноябрь,  
 32-2022/ҚҚ-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
 Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
 2022 йил 24 ноябрдаги 22-2022-сон ҳамда  
 Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
 вазирлигининг 2022 йил 16 ноябрдаги  
 32-2022/ҚҚ-сон қарорига  
 ИЛОВА

**Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар  
 бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
 ўзгартиришлар**

1. 4-банд ва 15-банднинг бешинчи хатбошисидаги «махсус фан» деган сўзлар «касбий фан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 12-бандда:

биринчи хатбошидаги «академик лицей директорининг» деган сўзлар «тегишли олий таълим муассасаси ректорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«комиссия аъзолари** — тегишли олий таълим муассасаси вакили, шунингдек академик лицей ҳамда келишув асосида турдош профессионал таълим муассасаларининг касбий фан ўқитувчилари.».

3. 19-банднинг биринчи хатбошидаги «кейинги ўқув ўили бошлангунга қадар (бироқ, академик лицейни тамомлаганлик тўғрисидаги диплом берилгунга қадар)» деган сўзлар «академик лицейни тамомлаганлик тўғрисидаги диплом берилгунга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 20-банддаги «академик лицей директорининг» деган сўзлар «тегишли олий таълим муассасаси ректорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Низомнинг иловаси мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Академик лицейлар битирувчиларига  
мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисида-  
ги низомга киритилаётган ўзгартришларга  
ИЛОВА

«Академик лицейлар битирувчиларига  
мутахассисликлар бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

### **Академик лицей сертификатининг давлат намунаси**

#### **Академик лицей сертификатининг ТАБСИФИ**

Сертификат 105x297 мм ўлчамда, қофози 100% пахтадан тайёрланган, зичлиги 120+5 гр/м<sup>2</sup>, оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нур ва миллий орнамент нақши кўриннишидаги сув белгисидан иборат бўлади.

Сертификат бланкасининг юз томони юқори қисми марказида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби (рангли) тасвири туширилади. Давлат гербидан (рангли) 10 мм паст қисмида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» сўзлари, унинг таг қисмида «SERTIFIKAT» сўзи қизил рангда лотин алифбосида ёзилади.

Матн — Сертификат бланкаси ички қисми чап томонида лотин алифбосида, ўнг томонида инглиз тилида тегишли ёзувлар туширилади.

Сертификат вараги ички қисмининг икки тарафи марказида «Ҳумо» қуши (25x10 мм ўлчамда) қиёфаси кўринмайдиган тасвири жойлаштирилади ва мазкур қуш қиёфаси ультрабинафша нурлари остида кўринади.

Сертификат бланкаси қўйидаги химоя элементлари билан тайёрланади:

- а) тартиб рақами қора флуоресценция бўёғида чоп этилиб, ультрабинафша нурларида яшил рангда ёруғлик сочади;
- б) босма жараёнида кимёвий барқарор матбаа бўёқлардан фойдаланади;
- в) ҳар хил шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш;
- г) маҳсус химояланган сув белгили қофоз ишлатиш;
- д) давлат гербини рангли тасвирлаш;
- е) кичик матн бир неча бор катталаштирилганда кўринадиган сертификат сахифасининг матн чизиқларида жойлашади ва такрорланувчи «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» микроматнли сўз бирикмаси мавжуд.

Сертификатнинг ташиқи ўнг томони:

(O'zbekiston Respublikasi Davlat gerbining tasviri)

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SERTIFIKAT**

Сертификатнинг ички чап томони:

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
AKADEMIK LITSEY SERTIFIKATI  
LS № \_\_\_\_\_**

(diplomsiz kuchga ega emas)

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

20\_\_\_\_ yilda \_\_\_\_\_

(akademik litsey nomi)

20\_\_\_\_ yilda \_\_\_\_\_

ga kirib,

litseyni \_\_\_\_\_

**akademik  
yo'nalishi**

(yo'nalish nomi)

bo'yicha tamomladi hamda \_\_\_\_\_ mutaxassisligi berildi.  
(mutaxassislik nomi)

*M.O'.*

*Davlat attestatsiya  
komissiyasi raisi*

*Direktor  
Kotib(a)*

\_\_\_\_\_ shahri (tumani), 20\_\_\_\_ yil

Ro'yxat raqami \_\_\_\_\_

Сертификатнинг ички ўнг томони:

THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
CERTIFICATE OF ACADEMIC LYCEUM  
LS № \_\_\_\_\_

(not valid without diploma)

\_\_\_\_\_  
(full name)

enrolled in 20\_\_\_\_\_  
(name of academic lyceum)

and completed in 20\_\_\_\_\_  
(name of academic lyceum)

having specialized in \_\_\_\_\_  
(field of study)

having specialist in \_\_\_\_\_  
(speciality)

(Seal)

*Chairman of the State  
Attestation commission*

*Director  
Kotib(a)*

Given \_\_\_\_\_ Registration № \_\_\_\_\_».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**454    Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молия-  
вий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунти-  
ришлар матнини тан олиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3400*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари»га ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 507-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун қўйидаги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнлари:

Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси 1-иловага\*\* мувофиқ;

1-сон «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 2-иловага\*\* мувофиқ;

2-сон «Захиралар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 3-иловага\*\* мувофиқ;

7-сон «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 4-иловага\*\* мувофиқ;

8-сон «Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 5-иловага\*\* мувофиқ;

10-сон «Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 6-иловага\*\* мувофиқ;

12-сон «Фойда соликлари» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 7-иловага\*\* мувофиқ;

16-сон «Асосий воситалар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 8-иловага\*\* мувофиқ;

19-сон «Ходимларнинг даромадлари» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 9-иловага\*\* мувофиқ;

20-сон «Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 10-иловага\*\* мувофиқ;

21-сон «Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 11-иловага\*\* мувофиқ;

\* Ушбу бўйрук «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 декабрда эълон қилинган.

\*\* 1 — 11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

23-сон «Қарзлар бўйича сарфлар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 12-иловага\* мувофиқ;

24-сон «Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 13-иловага\* мувофиқ;

26-сон «Пенсия дастурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 14-иловага\* мувофиқ;

27-сон «Алоҳида молиявий ҳисбот» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 15-иловага\* мувофиқ;

28-сон «Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 16-иловага\* мувофиқ;

29-сон «Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисбот» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 17-иловага\* мувофиқ;

32-сон «Молиявий инструментлар: тақдим этиш» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 18-иловага\* мувофиқ;

33-сон «Бир акцияга тўғри келадиган фойда» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 19-иловага\* мувофиқ;

34-сон «Оралиқ молиявий ҳисбот» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 20-иловага\* мувофиқ;

36-сон «Активларнинг қадрсизланиши» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 21-иловага\* мувофиқ;

37-сон «Баҳолангандар мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 22-иловага\* мувофиқ;

38-сон «Номоддий активлар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 23-иловага\* мувофиқ;

39-сон «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 24-иловага\* мувофиқ;

40-сон «Инвестиция кўчмас мулки» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 25-иловага\* мувофиқ;

41-сон «Қишлоқ ҳўжалиги» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 26-иловага\* мувофиқ;

1-сон «Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш» Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти 27-иловага\* мувофиқ;

2-сон «Акцияга асосланган тўлов» Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти 28-иловага\* мувофиқ;

3-сон «Бизнес бирлашувлари» Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти 29-иловага\* мувофиқ;

4-сон «Суғурта шартномалари» Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти 30-иловага\* мувофиқ;

5-сон «Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият» Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти 31-иловага\* мувофиқ;

6-сон «Фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва баҳолаш» Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти 32-иловага\* мувофиқ;

7-сон «Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш» Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти 33-иловага\* мувофиқ;

\* 12 — 33-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8-сон «Операцион сегментлар» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 34-иловага\* мувофиқ;

9-сон «Молиявий инструментлар» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 35-иловага\* мувофиқ;

10-сон «Консолидациялашган молиявий ҳисобот» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 36-иловага\* мувофиқ;

11-сон «Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 37-иловага\* мувофиқ;

12-сон «Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 38-иловага\* мувофиқ;

13-сон «Ҳаққоний қийматни баҳолаш» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 39-иловага\* мувофиқ;

14-сон «Кечиктирилган тариф фарқлари счёtlари» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 40-иловага\* мувофиқ;

15-сон «Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 41-иловага\* мувофиқ;

16-сон «Ижара» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 42-иловага\* мувофиқ;

7-сон «Евронинг муомалага киритилиши» Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 43-иловага\* мувофиқ;

10-сон «Давлат ёрдами-операцион фаолият билан муайян боғлиқликнинг ўқлиги» Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 44-иловага\* мувофиқ;

25-сон «Фойда солиқлари — ташкилотнинг ёки унинг акциядорларининг солиқ мақомидаги ўзгаришлар» Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 45-иловага\* мувофиқ;

29-сон «Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари: Маълумотларни ёритиб бериш» Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 46-иловага\* мувофиқ;

32-сон «Номоддий активлар — вебсайт сарфлари» Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 47-иловага\* мувофиқ;

1-сон «Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф мухитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятлардаги ўзгаришлар» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 48-иловага\* мувофиқ;

2-сон «Кооператив ташкилотларда иштирокчиларнинг улушлари ва шу каби инструментлар» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 49-иловага\* мувофиқ;

5-сон «Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф мухитни қайта тиклаш ва экологик реабилитация фондларида иштирок этиш ҳукуқлари» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 50-иловага\* мувофиқ;

6-сон «Махсус бозорда иштирок этишдан юзага келадиган мажбуриятлар — чиқинди электр ва электрон ускуналар» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 51-иловага\* мувофиқ;

7-сон «29-сон БХХС «Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисо-

\* 34 — 51-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

бот» асосида қайта хисоблаш ёндашувини қўллаш» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 52-иловага\* мувофиқ;

10-сон «Оралиқ молиявий ҳисобот ва қадрсизланиш» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 53-иловага\* мувофиқ;

12-сон «Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 54-иловага\* мувофиқ;

14-сон «19-сон БҲҲС — Белгиланган тўловлар бўйича актив учун лимит, минимум молиялаштириш талаблари ва уларнинг ўзаро алоқаси» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 55-иловага\* мувофиқ;

16-сон «Чет эл бўлинмасига соф инвестицияни хежлаш» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 56-иловага\* мувофиқ;

17-сон «Пулсиз активларнинг мулкдорларга тақсимланиши» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 57-иловага\* мувофиқ;

19-сон «Молиявий мажбуриятларни улушли инструментлар билан сўндириш» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 58-иловага\* мувофиқ;

20-сон «Очиқ коннинг қазиб чиқариш босқичидаги устки қатламни очиш сарфлари» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 59-иловага\* мувофиқ;

21-сон «Мажбурий тўловлар» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 60-иловага\* мувофиқ;

22-сон «Чет эл валютасидаги операциялар ва олдиндан тўлов» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 61-иловага\* мувофиқ;

23-сон «Фойда солиғини хисоблаш тартибига нисбатан ноаниқликлар» Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 62-иловага\* мувофиқ тан олинсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 10 ноябрь,  
61-сон

\* 52 — 62-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 5 декабрдаги 27-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2022 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3098-1.**

2. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 29 ноябрдаги 09/ЮБ-36-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперtlарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2022 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-5.**

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 24 ноябрдаги 22-2022-сон ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 16 ноябрдаги 32-2022/ҚҚ-сон «Академик лицейлар битириувчиларига мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2882-2.**

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 61-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий хисобтнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2022 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3400.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончилика ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2009 йил 29 сентябрдаги 184-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперtlарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2045, 2009 йил 19 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат

рақами 2045-1, 2011 йил 5 январь), (рўйхат рақами 2045-2, 2014 йил 13 август), (рўйхат рақами 2045-3, 2020 йил 5 февраль), (рўйхат рақами 2045-4, 2022 йил 13 июль).

**2022 йил 9 декабрда давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/  
ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносаба-  
ти билан давлат реестридан чиқарилди.**

